

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан

МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ АКТИВЛИГИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Октябрь революцияси номи
Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи партия ташкилотининг меҳнаткашларини
ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш соҳасидаги ишга доир масалани қараб чиқ-
ди.

Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда
қўйилган таъкидлаб ўтилади: Октябрь рево-
люцияси номи Тошкент тепловоз-вагон ремонт
заводининг партия ташкилоти партия XXIV съез-
дининг қарорларини бажариб, меҳнаткаш-
ларини ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш
соҳасидаги ишга яна яхши йўлга қўйди ва иш-
лаб чиқаришни тўхтотмас ўстириш, унинг самар-
дорлигини ошириш ва беш йиллик план то-
пириқларини муваффақиятли бажариш соҳаси-
даги вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашлар-
нинг ижодий активлигига моҳирлик билан етак-
чилик қилмоқда.

Завод коллективни ижтимоий-сиёсий ҳаётда ак-
тив қатнашмоқда, тўққизинчи беш йиллик яку-
ловчи йилининг топириқларини муддатидан ил-
гари бажариш учун республикада кенг авж олган
социалистик муسابобоқнинг ташаббускор бўлиб
майдонга чиқди. Завод коллектив КПСС Мар-
казий Комитети 1975 йил апрель Пленумининг
ақуларини муқоама этиб, ошқирланг соци-
алистик мажбуриятлари билан муқобил планни
қабул қилди.

Партия комитети, цех партия ташкилотлари
ва партия гуруҳларининг фаолиятини яхшилаш
ҳамда уларнинг ташкилотчилик ролини кучайт-
ириш билан боғланган масалаларни мунтазам
суратда қараб чиқмоқда. Партия комитети 1974
йилда электр аппаратлари ва пўлат қўйиш цех-
ларида партияий-ташкилот ишнинг аҳолини,
тепловоз ва вагон цехлари партияюлларининг
коллективни қабул этилган социалистик мажбу-
риятларини бажаришга сафарбар қилиш соҳаси-
даги ишчи, кадрларнинг иқтисодий таълими
тўғрисидаги масалани муқоама қилди. Тажри-
бани аниқлаш, ташкилотчилик ва оммавий-
сиёсий иш формалари ҳақида методлари тўғри-
сида цех партия ташкилотларининг секретари-
лари билан семинарлар ва инструктория кенга-
шлар ўтказилмоқда. Энг муҳим ушбу ҳақида партия
гуруҳлари ишлаб чиқариш топириқларини ба-
жаришга, коллективларда меҳнат ва давлат ил-
тизолининг аҳолига ҳал қилувчи таъсир ўтказ-
моқдалар. Партомком ва цех партияюлари аҳо-
лини составига илгор ишчилар, инженер-техник
ходимлар сайланди. Бу эса партия ташкилот-
чининг обрўсини мустақамлашга ёрдам беради.

Завод партия ташкилоти касба союзу ва ком-
сомол ташкилотларининг ижодий активлигини
ишчиларнинг ишчиларидан, доимий ишлаб
чиқариш кенгаши, ҳақиқатан, ижтимоий-
сиёсий иш формалари ва постлардан фой-
даланишда, уларнинг куч-қайратини ишлаб чи-
қаришнинг иқтисодий самардорлигини ошириш-
га, локомотивлар, вагонлар, агрегатлар ремон-
тини уюштириш ва бу ишнинг технологиясини
такомиллаштиришга, янги техникани жорий қи-
лишга, ички хўжалик резервларини қидириб то-
пиш ва улардан фойдаланишга сафарбар қил-
моқда. Заводда тепловозларнинг электр двигател-
ларини қисмларга ажратуви ва йиғувчи ик-
ки механизациялаштирилган поток линияи иш-
га туширилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини
бир ярим баравар ошириш ва қўл меҳнатдан
фойдаланишни деярли тамомлаш тугатди ик-
кинчи бери.

Завод партия ташкилоти коллективда гоёвий-
сиёсий ишчи кучайтиришга катта эътибор бе-
ромоқда ва бу ишчи барча меҳнаткашларда илмий
дунёқараши, ишчиларнинг меҳнатга комму-
нистик муносабатда бўлиш руҳини тарбиялашга
йўналтирилмоқда. Заводда партия аъзолари, ком-
сомоллар ва партияюллардан 600 га яқин юш
сиёсий маориф системасида марксизм-ленинизм
назариясини ўрганилмоқда.

Партия ташкилоти ёш ишчиларни гоёвий
этиқод, ўз касбини севish руҳида тарбиялаш
тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бу ер-
да ёш авлодининг ишчилар синфи қаторидан
жой олиши, меҳнат ветеранларини ва ишлаб
чиқариш илгорларини улуғлаш каби жуда яхши
практика таркиб топди. Бу практика ишчи ёш-
ларни завод коллективининг бой революцион
ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялашга
ёрдам бермоқда.

Заводда бригадаларнинг, участкаларнинг меҳ-
нат унумдорлигини ошириш комплекс планлари
ва айрим ходимларнинг шахсий ижодий план-
лари меҳнаткашларини ишлаб чиқаришни бош-
қаришда катта-ишқирининг муҳим формаси бў-
либ қолди. Иқтисодий анализ бюроси ва илмий-
техника жамияти бу планларини ишлаб чиқ-
иш ҳақида асослаб беришда актив қатнашмоқда.
Ишчиларнинг ва инженер-техник ходимларнинг
ижодий активлиги меҳнатга коммунистик муно-
сабатда бўлиш ҳаракатини кенг ривожлантириш-
да ўз ифодасини топди. Бу ҳаракатда завод хо-
димларининг 97 проценти, барча цехлар, 64
ишлаб чиқариш участкаси, 250 бригада иштирок
қилмоқда. Уч цех, икки участка ва 65 бригада
«Коммунистик меҳнат коллективи» деган фатҳий
номини олишга сазовор бўлди. Социалистик му-
собобоқнинг бориш цехларининг деярли газетла-
рида, кўп тиражли «Гудок красноосточник»
газетасида кенг ёритилмоқда.

Завод коллективини иқтисодий ва социал жи-
хатдан ривожлантириш юзасидан беш йиллик
мўлжаллаб ишлаб чиқилган комплекс план меҳ-
наткашларини ишлаб чиқаришни бошқаришда
катта-ишқирининг самарали воситаси бўлиб қол-
ди. Ане шу планга мувофиқ корхона техникавий

жиҳатдан реконструкция қилинмоқда, ишчи ва
хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити
яхшиланимоқда, уларнинг умумий билими ва ма-
даный савияси юксалиб бормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
завод меҳнаткашларини ишлаб чиқаришни бош-
қаришга жалб этиш соҳасида тўланган тажри-
басига ижобий баҳо бериб, қўйилган ишчи таъ-
кидлаб ўтиди: партия комитети, цех партия та-
шкилотлари ва партия гуруҳлари барча цехлар,
участкалар ва бригадаларда ана шу муҳим иш-
га ижодий тарзда ёндашишга ҳали эришганлари
йўқ. Айрим цехларда коллективнинг ишлаб чи-
қариш, маданый-маиший ва тарбия масалалари-
ни муқоама қилиш ва ҳал этишда ишчиларнинг
ҳаммаси ҳам актив қатнашмоқда, деб бўлмайди.
Баъзи участкаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот-
нинг сифати учун, тежамкорлик режимида рив-
ж қилиш учун кураш суст уюштирилган, қўл меҳ-
нати билан банд бўлган ишчилар сонини қис-
қартириш суст бормоқда. Партия ички ишлари
ва гоёвий-тарбия ишчи кучайтириш учун мавжуд
иқтисодийлардан тўлиқ фойдаланилмаётган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
Октябрь революцияси номи завод партия ко-
митетига коммунистларнинг диққат-эътибори ва
куч-қайратини бундан бўён ҳам завод меҳнат-
кашларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиё-
сий активлигини оширишга, беш йиллик якунов-
чи йилининг топириқларини муваффақиятли ба-
жариб, КПСС XXV съездини муносиб кутиб
олишга сафарбар қилишнинг тавсия этди. Цех
партия ташкилотларига ва партия гуруҳларига
мунтазам суратда ёрдам берилсин, уларнинг
ишдаги ижобий тажриба доим умумлаштири-
лиши ва кенг ёйилсин ва шу асосда сиёсий ва хў-
жалик вазифаларини ҳал этишда партия ташки-
лотларининг роли янада юксак даражага қў-
йилсин. Завод коллективнинг ҳаёти ва ишига до-
ир энг ақтуал масалалар коммунистларнинг му-
қоамасига қўйилсин, ҳар бир коммунистнинг
меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичига, партия ҳақида ҳу-
матнинг қарорларини бажаришда омманинг етак-
чиси ва ташаббускори бўлишига эришилсин.

Коллективда гоёвий-сиёсий тарбия формалари
ва методларини сабот матонат билан та-
комиллаштириб бориш, бу ишчи ишчи ва хизматчи-
ларда марксизм-ленинча дунё қараши, меҳнатга
коммунистик муносабатини шакллантиришга йў-
налтириш лозим. Заводдаги барча раҳбар ходим-
лар ва инженер-техник ходимларини ана шу му-
ҳим ишга кенг жалб этиш, уларнинг хўжалик
иш билан тарбия ишчи моҳирлик билан бирга
қўшиб олиб бориш мақсадларини ҳосил қи-
лишларига эришиш керак. Завод раҳбарлари
касба союзу ва комсомол ташкилотлари билан
биргаликда меҳнат унумдорлигини ўстириш сур-
атларини янада жадаллаштириш, янги техникани
ва прогрессив технологияни ўзлаштириш ҳақида
жорий қилиш, қўл меҳнатини қисқартириш, локо-
мотивлар, вагонлар ва агрегатлар ремонтни си-
фатини ошириш, ишлаб чиқариш иқтисодийла-
рдан яхши фойдаланиш, заводни намунали ишлаб
чиқариш маданияти қорхонасига айлантириш
юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш
ва амалга ошириш зарур. Касба союзу, комсо-
мол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилот-
ларининг ташаббусини ривожлантиришда, кол-
лективлардаги ишнинг аҳолига таъсирини ку-
чайтиришда, ишлаб чиқариш вазифалари ва со-
циал-сиёсий вазифаларини ҳал этишда барча меҳ-
наткашларнинг ижодий активлигини янада оши-
ришда бу ташкилотларга мунтазам ёрдам бериб
турилисин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
партия комитетига ва завод раҳбарларига кадр-
ларни уларнинг ишчанлик ва сиёсий ҳислатла-
рига қараб танлаш ва жой-жойига қўйиш со-
ҳасидаги ишчи янада такомиллаштириш, омма-
вий касблардаги ишчиларни таъбириш ва қайта-
дан таъбириш масалаларига эътиборни кучай-
тиришни топширди. Командир кадрларнинг иш
услугини яхшилашга, уларнинг топириқларини иш
учун жавобгарлик тўғрисидаги ишчиларни, меҳ-
наткашларнинг профессионал маҳорати ва мада-
ний савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор
берилсин. Цех партия ташкилотларининг, иш-
лаб чиқариш илгорлари, завод ветеранларининг,
касба союзу ва комсомол ташкилотларининг диқ-
қат-эътибори ва куч-қайратини оммавий касблар-
да кадрлар ўрганишда кўнмасизлики қосини ра-
вишда қисқартиришга қаратилсин. Ёш ишчилар-
нинг касбларини тезроқ ўзлаштириб олишларига,
умумий билим даражасини оширишларига, ма-
ҳоратни юксалтиришларига мунтазам ёрдам бе-
рилсин. Уларнинг турмушини, меҳнат ва дам
олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида кун са-
йим ғамхўрлик қилинсин.

Заводда коллективнинг 1976 — 1980 йилларга
мўлжалланган социал-иқтисодий тараққиётни пла-
ни ишлаб чиқилган. Бу план СССР Темирйўл
министрлигининг тасдиқига тақдим этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
Тошкент шаҳар ва Ленин район партия комитет-
ларига партияий-ташкилот ва гоёвий-тарбиявий
ишчи юксак даражага қўйишга, шунингдек за-
вод ишчилари ҳақида хизматчиларнинг ишлаб
чиқариш-маиший шароитларини яхшилашда
Октябрь революцияси номи завод партия та-
шкилоти мунтазам суратда ёрдам бериш то-
пириқларини.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Беш йиллик планни мудда-
тидан илгари бажариш ҳақида
КПССнинг XXV съездининг му-
носиб меҳнат соғалари билан
кутиб олган аҳд қилган пой-
тахт области ҳақида Тошкент
шаҳар саноат қорхоналари кол-

лективлари 26 майда маҳсулот-
ларнинг қўлгана муҳим турла-
рини ишлаб чиқариш ва реали-
зация қилиш беш ойлик топи-
рининг муддатидан илгари ба-
жаришди.

Қўлга киртилган ютуқлар-

ни янада мустаҳкамлаш ва
уларни қўлайлиги мақсадида
област ва шаҳар саноат қор-
хоналари меҳнаткашлари май
охиригача планга қўшимча ра-
вишда ўнлашча миллион сўм-
лик маҳсулот ишлаб чиқариш
ва уни реализация қилишга
аҳд қилди.

22-йил
чиқиши.

№ 103 (5452).

27
М А Й
СЕШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

„СОЮЗ-18“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1975 йил 24 май куни Москва вақти билан
соат 17 дан 58 минут ўтганда Совет Иттифо-
қида «Союз-18» космик кемаси учирилди.
Кемани кема командири Совет Иттифоқи
Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси,
подполковник Пётр Ильич Климук билан
бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони,
СССРнинг космонавт-учувчиси Виталий Ива-
нович Севастьяновдан иборат составдаги
экипаж бошқармоқда.

«Союз-18» кемасини учуришдан мақсад
«Салют-4» орбитал илмий станцияси билан
1975 йил 12 январда «Союз-17» транспорт
кемаси билан «Салют-4» станцияси бирга-
ликда учган вақтда бошланган эксперимент-

ларни давом эттиришдан, шунингдек учуш-
нинг турли режимларида кеманинг айрим
элементлари ва системаларини тақомиллаш-
тиришдан иборат.

«Союз-18» кемаси билан барқарор радио
ва телевизион алоқа ўрнатилди.

Иккала космонавт ўзини яхши ҳис этмоқ-
да. Кема системалари нормал ишлаб туриб-
ди, бўлмаларда ердагига яқин шароит сақ-
ланмоқда.

Космонавтар — П. И. Климук билан
В. И. Севастьянов ўртоқлар учуш програм-
масини бажаришга киришдилар.



Подполковник
Петр Ильич КЛИМУК

Совет Иттифоқи Қаҳрамони
СССРнинг космонавт-учувчиси
Петр Ильич Климук 1942 йил-
да Брест областининг Кома-
ровка қишлоғида туғилди.
1964 йил Чернигов олий ҳар-
бий авиация мактабининг бити-
ригач, ҳарбий — ҳаво кучларида
хизмат қилди.

1965 йил Петр Ильич ко-
монавтар отрядига ўтказилди.
У 1973 йилдан бери Ю. А. Га-
гарин номи ҳарбий-ҳаво ака-
демиясида сиртдан ўқимокда.

П. И. Климук 1973 йилнинг
декабрида «Союз-13» ке-
масининг командирли сифатида
космик парвоз қилган.



Виталий Иванович
СЕВАСТЬЯНОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони
СССРнинг космонавт-учувчиси
Виталий Иванович Севастьянов
1935 йилда Свердловск обла-
стининг Красно-Уральск шаҳрида
туғилди.

1959 йил Виталий Иванович
Москва-авиация институтини
битирган, конструкторлик бю-
росида ишлаб бошлади. Сўнгра
аспирантурани тамомлаб, тех-
ника фанлари кандидати илмий
даражасини олиш учун диссер-
тация ёзилди.

В. И. Севастьянов 1970 йил-

нинг июнида «Союз-9» ке-
масининг бортинженери сифа-
тида биринчи космик парвоз
қилган.

В. И. Севастьянов 1963 йил-
дан бери Совет Иттифоқи Ко-
мунистик партиясининг аъзоси.

Космонавтининг ота-оналари—
Иван Григорьевич билан Татья-
на Георгиевна — пенсияер.

Виталий Ивановичнинг хоти-
ни Алётина Ивановна «Новос-
ти» матбуот агентлигида иш-
лайди. Севастьяновларнинг ўн
иikki йилар қизи Наташа мах-
табда ўқийди.

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» РЕДАКЦИЯСИННИНГ КОЛЛЕКТИВИ, АВТОРЛАР АКТИВИ ВА ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!
«Сизларга! «Комсомольская
правда» газетасининг биринчи
сонини босилиб чиққан кунининг эл-
лик йиллиги билан самимий таби-
риқлайман. Партия газетанинг
ёш авлодини коммунистик гоёвий-
лик, Ленининг ўлмас васиятла-
рига, совет халқининг шонли ре-
волюция, жанговар ва меҳнат
традицияларига садоқат руҳида
тарбиялашга қўшган катта ҳисса-
сини поёт қадрлайди. «Комсомоль-
ская правда»нинг совет ёшлари қўл
авлодларининг оташини юксак
ташкилотчи деб аташ мумкин.

Миллионларча йилгит ва қизлар
бу газетани ҳақини равишда
дўсти ва мурабийи деб ҳисоб-
ламоқдалар.

«Комсомольская правда» саҳи-
фалари Ленини комсомолни, барча
шонли ёшларини қаҳрамонча
меҳнат ва жанговар ишларининг
ёриши, тўлиқлантирувчи йилно-
масидир. Бу саҳифалар Комсо-
мольск—Амурни ва Магниткини,
Турксиб ва ДнепротЭСНИ қўрган,
дастлабки колхозларни вужудга
келтирган, маданият ва билимин

омма орасига ёйган кишиларнинг
буюк жасоратини ақс эттирди. Бу
саҳифалар уруш фронтларида ва
фронт орқасида фашизм устидан
ғалабага замин тайёрлагач, ҳароб
бўлган шаҳар ва қишлоқларни
тикланган қўриқ ерларда бирин-
чи эгалини ва комсомол биринчи
трассани очган кишиларнинг мард-
лиги ва жасоратини ҳикоя қила-
ди. Газета ҳозирги кунда ҳам
ёшларни коммунистик қурлиши-
нинг энг зарбдор участкаларига
актив сафарбар қилмоқда.

Ленининг «Коммунизмни ўр-
ганиш» деган васияти комму-
нистик жамият қуриш учун кеска
авлодлар олиб бориш қурашини
давом эттириш лозим бўлган ёш-
ларнинг асосий шiori бўлиб кел-
ди ва шундай бўлиб қолаверад.

Ёшларни ана шу васиятини бажари-
лишга, янги сафарларга плхом-
лантириш, уларнинг ташаббуси
ва шижоатини бутун куч-қайрат
билан қўллаб-қувватлаш — бутун
комсомол матбуоти журналистла-
рининг бурчидир.

«Комсомольская правда» кол-
лективни, унинг авторлар активи-
нини янги ижодий муваффақият-
ларга эришувини чин қўнгилдан
тилайман. Ёшларга хос шижоатли
бўлиниги, янада ёрқин ва мароқ-
лироқ ёзганига, ҳаётга чуқурак
кириб боришига, ҳамма янги ва
прогрессив нарсаларни зўр гай-
рат билан қўллаб-қувватлагич,
олга қараб қилётган ҳаракати-
мизга ҳалақит берувчи нарсалар-
нинг ҳаммасига қарши дадил ку-
раш олиб боришига. Ёнг яхши
тажрибани актив пропаганда қи-
линиги, ёшларни беш йиллик
муддатидан илгари бажариш, пар-
тиянинг XXV съездининг муно-
сиб кутиб олиш учун социалистик
муносабатининг олдинги маррала-
рига лаянат этилиши.

Сизнинг меҳнатингиз бундан
бўён ҳам олижаёт комсомунстик
бунёдкорлик ишига хизмат қила-
версин!

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммуни-
стик партияси Марказий Ко-
митетининг Бош секретари.

ТАСС АХБОРОТИ «САЛЮТ-4»: ЭСТАФЕТА ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

«СОЮЗ-18» КЕМАСИННИНГ
ЭКИПАЖИ «САЛЮТ-4» ИЛМНИНГ
СТАНЦИЯСИ БОРТИДА


1975 йил 26 майда космонавт-
лар П. И. Климук ва В. И. Сева-
стьяновдан иборат составдаги ик-
кинчи экипаж «Салют-4» станция-
си бортига етказилди. Бу станция
9 февралдан бери автомат режим-
да ишлаб келаётган эди.

Космик аппаратларнинг бир-бир-
ларига ақиллаштириш, боғлаш ва
туштатириш даставвал автомат
бошқариш системаси ёрдами бил-
ан ўтказилди, сўнгра 100 метр
масофа қолганда экипаж бошқари-
лини қўлга олди. Кемалар ту-
ташгач, космонавтар «Салют-4»
станцияси борт системаларини
текшириб чиқдилар ва унинг ич-
га кўчиб ўтиб, станцияда унинг
биринчи экипажи бошлаган тадқи-
қот ва экспериментлар давом эт-
тирилишини қўлда тутувчи белги-
ланган программани бажаришга
киришдилар. Қўёш, планета ва
юлдузлар электр-магнит нурла-
ниш спектрининг турли диапазон-
ларида ўрганилади, ер юзининг
геология ва морфология объектла-
ри, ер атмосфераси ва космик фа-
зодаги физик жараёнлар тадқиқо-
ти, медицинавий-биологик тадқи-
қотлар ўтказилади, шунингдек
станциялар, борт системалари ва
аппаратларнинг конструциялари
синаб қўрилади.

Космонавтар Климук ва Сева-
стьянов ўртоқлар станциянинг
ҳамма системалари нормал ишла-
ётганини ва ўзларини яхши
ҳис этаётганликларини маълум
қилдилар.

(ТАТА).

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ МАДАНИЙ, ОБДОД, ФАРОВОН ВА КЎРКАМ БЎЛСИН



Янгиўл районидagi «Ленинизм» колхозида янги тивдаги турар-жой бинолари куришга тобора кўпроқ эътибор берилляти. Бу уйлрда барча кулайликлар мавжуд. Суратда: «Галаба» кўчасидаги янги бунёд этилган уйлр.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚУЛИ ГҲЛ БУНЁДКОРЛАР

Бу курилиш трести коллектив жуда шарафли, айни вақтда масъулиятли вазирам бажармоқда. Бунёдкорлар обастиниз қишлоқлари иройини очинишга, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг фаровонлигини, охиришга салмоқли хисса қўшмоқдалар. Улар билан колхоз ва совхозларда турли-туман ишлаб чиқариш объектлари, турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар барпо этилмоқда.

Қули гул бинокорлар тўқинчи беш йиллигининг якунловчи йилида юксак марраларни кўзлаб ишляпти. Улар анималарига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш, обастиниз қишлоқларида замонавий ишлаб чиқариш комплекслари, истикомат қилиш учун барча кулайликлар бўлган уй-жойлар барпо этиш йилида фидокорлик кўрсатилляти. Трест бошқармалари ва механизациялашган кўча колонналарида қишлоқ хўжалиги экономикасини ривожлантириш юзасидан қўйилган барча вазифаларнинг муваффақиятли улдасидан чиқин учун социалистик мусобақа авж олмоқда. Курилиш ишларини механизациялаш, унинг индустрия даражасини ошириш,

объектларини бунёд этишда йнги конструкциялардан кенроқ фойдаланишга қаратилган жуд кул тадбирлар амалга оширилляти. Илгорлар тақрибаси оммалаштирилляти. Забичилар ҳаракати тобора кенгаймоқда.

Шу туфайли ҳам коллектив бу йил капитал курилиш ишлари топириқларини ой сайини ортиги билан адо этишга муваффақ бўлмоқда. Утган тўрт ой мобайнида беш миллион сўмликдан кўпроқ пулрат ишлари амалга оширилди. Бу планда белгилангандан икки процент кўдир. Бинокорлар ўз кучлари билан курилиш-монтаж ишлари планини адо этишда ҳам дуруст ютуқларини кўлга киритмоқдалар. Тўрт ой мобайнида бу кўрсаткич топириқдагига қараганда 102 процентни ташкил этди.

Бинокорлар қатор чорвачилик комплекслари курилишини жадал сурьатлар билан амалга оширмоқдалар. Масалан, «Сергели» совхозида чўча гушти етиштириш комплекси курилишда тўрт ой мобайнида 200 минг сўмликдан ортиқ иш бажарилиб, план 143 процент қилиб адо этилди. Волков номли совхозда худди ана шундай комплекс курилишида тўрт ойини план 179 процент қилиб бажарилди. Спирдов номли совхозда эса шундай комплекс курилишда пландаги 228 минг сўм ўрнига 448 минг сўмлик курилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Курувчилар уй-жойларини фойдаланишга топириқ топириқларини ҳам бажаринида дуруст кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойларида салкам 2600 квадрат метр ҳажмида уй-жой майдони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига соғва қилинди.

Коллектив фаолиятининг бошқа қатор техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам қўйилдагидек бўлмоқда. Фанатгина курилиш-монтаж ишлари ташарини камайтиришдан биринчи кварталда 34 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қилинди.

Трест бунёдкорлари шу кунларда ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бутун фикри-зири қишлоқ йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш ва партия-мизнинг навбатдаги XXV съездининг муносиб меҳнат соғваларини, билан кутиб олишга қаратилган.

М. МАХМУДОВ.

ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ЙУЛИДАН

Колхозимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг узол муддатга мўлжалланган плани ишлаб чиқилган эди. У ҳозир амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан аввал иқтисодий ривожланиш плани қандай амалга ошириллягани ҳақида гапирмоқчиман. Чунки, иқтисодий янхатдан ривожланмасдан, бу соҳада кўзланган мақсад ва маълум даражага етмасдан туриб, социал ривожланиш ҳақида ўйлаб бўлмайди. Бунинг учун эса деҳқончилик ва чорвачиликни тез сурьатлар билан ривожлантириш, охириларнинг ҳосилдорлигини ва чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, шу тариқа пахта, гўшт, сўт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришга эришиш керак эди. Шундагина ишлаб чиқаришдан олинган даромад кўпайди. Хўжаликнинг экономикасини мустахкамланади. Колхозчиларнинг ўз меҳнатлари натижасида моддий манфаатдорлиги кўчалди. Улар турмушининг моддий, маданий-маиший даражаси юксалади.

Биз партияимизнинг КПСС Марказий Комитети 1965 йили март Пленуми белгилаб берган аграр сибастини амалга оширабориб, беш йиллик планини муваффақиятли бажариб, келгусида янада тез сурьатлар билан ривожланиш учун мустахкам замин яратди. Шу туфайли тўқинчи беш йиллигининг бошиданоқ барча соҳада иш зарбдор сурьатлар билан борди. Экин майдонлари бир мунча кенгайирилди. Чорва молларининг туғи сонини кўпайтириб, қўйларни бормоқда. Экинларнинг ҳосилдорлигини олиб борили. Чорва молларининг маҳсулдорлигини кўпайтмоқда. Бинобарин етиштирилган ва давлатга сотилган пахта, гўшт, сўт ҳамда бошқа деҳқончилик ва

чорвачилик маҳсулотларининг миқдори тўхтовсиз ўсмоқда.

Масалан, хўжаликнинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни олайлик. Бултур 1270 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 37,2 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 3420 тонна ўрнига 4785 тонна «оқ олин» сотилди. Белгилангандай қарийб 179 тонна кўп сўт, 17 тонна кўп гўшт, 30 минг дона кўп тухум топирилди. Маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш планлари беш йиллигининг шундан олдинги уч йилида ҳам анча ошириб бажарилган эди. Натижада беш йиллик план маҳсулотнинг пахта, гўшт, сўт каби асосий турлари бўйича ҳозирроқ анча ошириб адо этилди. Утган тўрт йилда давлатга 18081 тонна пахта сотилди. Бу, беш йиллик пландагидан 860 тонна кўп. План бўйича беш йилда 392 тонна гўшт ва 3350 тонна сўт етиштириш керак эди. Бу соҳадан планлар ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ муваффақиятли бажарилди. Йил охиригача давлатга беш йиллик планда белгилангандан анча ортиқ гўшт ва сўт сотилди.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришдан олинган даромад, шу жумладан соф фойданинг миқдорини кўпайтириш, хўжаликнинг экономикасини мустахкамлаш, колхоз аъзоларининг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш имконини берди. Утган йили даромадимиз 3 миллион 114 минг сўм, шу жумладан соф фойда эса 658 минг сўмин ташкил этди. Колхоз аъзоларининг ўртача йиллик даромади 1360 сўмга тўғри келди. Бўлнмас фойдада буттур 466 минг сўм, ўтган тўрт йилда эса 1 миллион 685 минг сўм аж

ратилди. Умуман тўрт йилда ишлаб чиқаришдан 12 миллион 401 минг сўм даромад, шу жумладан икки ярим миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шунки, ўтган беш йилликларда, хусусан тўқинчи беш йиллик мобайнида хўжаликни социал жиҳатдан ривожлантириш учун мустахкам ва ишончли иқтисодий замин яратилди. Ана шу заминга, қўдратли экономикага таялиб социал ривожланишнинг узол муддатга мўлжалланган плани белгиланган ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Кейинчи йилларда колхоз қишлоғида бир қатор замонавий объектлар курилди. 1973 йили меҳнат шон-шўҳрат музейи ишга туширилди. Ундаги экспонатларда колхознинг тарихи, унинг ҳозирги кун ва келажакги ўз аксини топан, колхоз курилишининг ташкилотчилари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорларининг ҳаёти ва фаолиятига кенг ўрин берилган. Йилида Шўҳрат монументи қўриб буюказилди. Бу, совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан урушида немис-фашист босқинчилари устидан қозongan тарихий ғалабасининг тисмоллири. Бу монумент ҳозирги ва келгусидаги авлодга Ватанимиз озолиги, халқимиз қаҳрамонлиги йилида душманга қарши олиб борилган қаҳрамонлар кураш голибона якунланганлиги, совет халқи уруш йилларида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз номини шон-шўҳратига буриганлигини абадий эслаштирилади. Шўҳрат монументининг тагидаги думалоқ бинода район ва колхоз ойнавандан бахт уйи қойилляпти. Унинг ёнида соғва магазини ва фотография бўлади.

Колхоз қишлоғида 800 га яқин хонадон бор. Аҳолининг сони эса 5200 га боради. Колхозчиларнинг оилалари асосан янги типда курилган маданий уйлрда яшайди. Ҳамма хонадонлар электрлаштирилган, газлаштирилган ва радиоллаштирилган. Аҳоли водопровод сувидан фойдаланади.

Бундан ташқари колхоз қишлоғида икки ўрта, бир саккиз йиллик мактаб, клуб, касалхона, бешта ботча-ясли ва бошқа бир қатор маданий-маиший ҳамда савдо, умумий оғайлатиш корхоналари бор.

Лекин колхоз аъзолари турмушининг иқтисодий ва маданий даражаси шу қадар юксалдики, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари шун қадар ўсдики, натижада мавжуд маданий-маиший хизмат тармоқлари, уларнинг иш савияси эндиликда ана шу талабларга жавоб бермай қолди. Шу туфайли бизнинг биринчи даражали вазифамиз колхозни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, га эътиборини сусайтирмаган ҳолда, уни социал ривожлантиришга ҳам катта эътибор беришидир.

Бизда хўтор системаси йўқ. Колхозчилар асосан битта катта қишлоқдаги уйлрда яшашади. Шунга қарамай, КПСС XXIV съездининг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни аста-секин йўқотиш, колхозчи деҳқонларнинг ҳам турмуш тарзини шаҳар аҳолисиникига яқинлаштириш ва тобора тенглаштириш ҳақидаги кўрсатмасини амалга ошириш ҳамда колхоз аъзоларининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 86 гектар майдонда шаҳар типидagi янги, замонавий посёлка бунёд этмоқдамиз. Унда 463 хўжалик учун 463-га бир ва икки қаватли ҳам

ма кулайликларга эга бўлган уйлр бўлади.

Ҳар бир оила уч, тўрт ва беш хонали уй билан таъминлляди. Бунда оиланинг аъзолари сони ҳисобга олинади. Ҳар бир уйнинг фойдали майдони ўрта ҳисобда 70—80 квадрат метрдан иборат. Беш хонали уйлрнинг фойдали майдони эса 110 квадрат метр. Бундан ташқари икки қаватли уйлрда иккинадан, бир қаватли уйлрда эса биттадан катта айвон, ошхона, ваннахона, санитария усли, телефон бўлади. Ҳамма уйлр индивидуал равишда бунёд этилляпти. Раёна оидиндан газлаштирили, электрлаштирили ва радиоллаштирили. Водопровод ва канализация тармоқлари вукулда келтирилди. Посёлка кебиначилик телефонлаштирилди. Ҳар бир оиланинг 0,10 гектар томорқа участкаси бор. Унинг ётигида эса оиланинг эҳтиёжи учун зарур хўжалик буюми бўлади. Ҳозир 80 та уй қўриб битказилди ва уларга колхозчиларнинг оиласи қўриб кияпти.

Посёлкада уй-жой биноларидан ташқари, икки қаватли правление биноси, 624 ўринли ўрта мактаб, 450 ўринли клуб, беш янги ўринли стадион, 190 ўринли болалар ботча-ясли, 50 ўринли касалхона ва унинг хузурида поликлиника, на, 20 сотуви ишлялган икки қаватли савдо маркази, менший хизмат комбинати ва унинг хузурида меҳмонхона, 100 ўринли ошхона ва 50 ўринли чойхона, соатига 24 киши юзюнадиғай ҳаммом ва унинг хузурида 250 килограмм кир ювиладиган корхона ва бошқа маданий-маиший объектлар бўлади. Ботча-ясли ҳаммом ва кирхона қўриб битказилди, ишга туширилди.

Посёлкадаги уй-жой, маданий-маиший объектлар курилишга смета бўйича 10 миллион сўм сарфлалади. Ҳар бир уйнинг қиймати катта-кичиклигига қараб 15—17 минг сўмдан иборат бўллади. Уни колхозчиға 15—17 йиллик муҳлат билан серилади ва у шу давр мобайнида унинг курашга сарфланган маблағ ўрни қопланади. Бу ерда колхозчиларнинг ўртача йиллик даромади 1360 сўмин ташкил этган бўлса, улар уй учун ҳар йил икки сўмдан тўласа, қийналиб қолмиш майдими, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ. Аввало ҳар бир оилада камда 2—3, қўнчилик

оилаларда эса 4—5 ва бундан ортиқ ишловчи бор. Шунини ўзидан ҳам билиш мумкинлиги, ҳар бир оиланинг фақат колхоздан олинган йиллик даромади 2700 сўмдан тортиб 5—6 минг сўмгача боради. Агар механизаторлар ва сувчилар бир йилда 4—5 минг сўмдан даромад олаётганлигини ҳисобга олсан, бу рақам янада ошади. Қовларса, ишлаб чиқариш бундан кейин ҳам тобора юксалаверади, ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлиги ошаверади. Бинобарин, колхознинг пахта, гўшт, сўт ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишдан олинган даромади кўпайверади. Бу эса колхозчиларнинг меҳнатига тақсимланган ҳақ миқдорини янада ошириш, уларнинг янада бой-бадавлат турмуш кечиришлари, турмушининг фаровонлиқ даражасини ошириш ижконини беради.


Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Хўжалигимизни ташкил этган ва дастлаб уни тебратган колхоз курилишининг ташкилотчилари ва раҳбарлари, узоқ йиллар мобайнида хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилган, уни юксалтириш ва мустахкамлаш ишига жуда кўп куч-ғайратини, билимини, бой тақрибасини сарфлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Абдулла Ортиқов шунини орзу қилган ва васият қилиб қолдирган эди. Шаҳар типидagi посёлка курилиши гоёси Абдулла Ортиқов ҳаётлиги вақтида вукудга келган ва унинг лойиҳаси тузилганди.

Бизни социал ривожланиш планини тузиш ва уни амалга оширишга киришишга ундаган бу масала ҳақида гапирса арзийди. Юқорида айтганимдек, дейрди барча колхозчиларнинг оилалари янги типда курилган маданий уйлрда яшайди. Ҳозир телевизор ёки радиоласи, қўша-қўша гиламин, таҳмон-таҳмон кўрпа ёстиғи, мукаммал рўзгор буюмлари, сир-бўзори, қўй-эчкини бўлмаган хонадонини топиш қийин. Колхозчиларнинг билими ва маданий даражаси бениҳе ўсди. Колхоз қишлоғида яшовчи олий маълумотли кишилар сони 200 дан ортиқ кетди. Ўрта маълумотлилар сони бир неча юз кишига етди. Колхоз аъзоларининг шахсий фойдаланишида 218 та енгил ав

томашина, 300 дан ортиқ мотоцикл бор. Йили келажакда енгил автомашинаси ёни ҳеч бўлмаса мотоцикли бўлмаган оила қолмайди. Энг мумкин, олий маълумотли кишилар сони янада кўпайди. Далада, фермаларда асосан ўрта маълумотли кишилар ишляди. Бригадаларга, фермаларга олий ва ўрта махусе маълумотли кишилар раҳбарлик қилади. Механизаторлар ўртасида олий ва ўрта махусе маълумотли инженер ҳамда техниклар сони кўпайди. Бу эса ўз навбатида маданий-маиший эҳтиёжини янада қучайтиради. Ҳозирги уйлр, мавжуд маданий-маиший объектлар вақти келиб талабга жавоб бермай қолди. Биз шаҳар типидagi янги замонавий посёлкани келажакки, колхоз аъзоларининг тобора ўсиб борадиган маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга кўзлаб бунёд этилди. Ўйлаймизки, бу социал ривожланишнинг тўғри йўлидан боришмиз. Ҳамма нарсани ўз меҳнати билан битмас-туғамас бойликлар яратётган, ишлаб чиқаришни тиймай юксалтираётган, маҳсулот етиштиришни тобора кўпайтираётган колхозимиз аъзолари ва уларнинг келгуси авлоди учун вукудга келтирлямиз.

Бу йил 1350 гектар ерда пахта етиштириляпти. Пахтакорларимиз гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш, ҳосилдорлигини бултурига нисбатан 2,5 центнер ошириш, 120 тонна гўшт, 850 тонна сўт ва кўп миқдорда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш учун курашмоқдалар. Чигитини барча майдонда тўла ва теисе ундириб олди. Ҳозир биринчи сугорини ва култивация қилиш тугалланай деб қолди. Маккансўхори, беда ва бошқа экинларнинг ҳам ривоси яхши. Чорва моллар меҳр билан боқили япти, маҳсулдорлиги оширилляпти. Хулоса қилиб айтганда, бу йил пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ҳам, сўт, гўшт, тухум каби чорвачилик маҳсулотларининг ҳам миқдори ўтган йилдагидан анча кўпайди. Бу бизнинг партияимиз XXV съезидга муносиб соғамиз бўлади.

Ю. ТОЛИПОВ,
Янгиўл районидagi «Ленинизм» колхозининг раиси.



Қули Чирчиқ районидagi «Коммунизм» совхозида янги қишлоқ қад кўтармоқда. Ҳозиргача бир ярим минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой бинолари, 90 ўринли болалар ботчаси ишга туширилди. Қишлоқ курувчилари булжак-маданий-маиший турар-жой биноларини куришни тобора тезлаштирмоқдалар. — Бу йил бир ярим минг квадрат метр турар-жой бинолари куришмиз керак, — дейди совхоз курилиш бўлимининг бошлиғи Ғофир Ҳасанов. — Шунингдек 320 ўринли мактаб, совхоз учун идора, маданий саройи ва бошқа маиший биноларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Шу кунларда курувчиларимиз янада ғайрат билан ишлямоқдалар. Зиммаларидаги топириқларни 120—150 процент адо этмоқда. Кўп миқлатли қишлоқ курувчилари ақил ва иноқ бўлиб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Моҳир бинокорлардан Шавкат Холматов, Цой Григорий, П. Панис, Ҳамза Мустафоев, Полина Черныкова ва бошқалар меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Суратларда: (Ўнгда) курилиш бўлими бошлиғи Ғ. Ҳасанов, илгор курувчи П. Панис. (Чапда) янги турар-жой бинолари. Н. Тўраев фотолари.



